Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
17 июн, чоршанба

23 (35)

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият

Газетанинг ўтган сонида хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари» мавзусига бағишланган миллий анжуман бўлиб ўтган эди.

- Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси,

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Ривожланиш Дастури,

- Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси,

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ушбу анжуманнинг ташаббускорлари бўлишди.

Қуйида анжуман маърузачилари ва қатнашчиларининг нутқлари баёнини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА

Питир СИМКИН, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили вазифасини бажарувчи:

- Инсон ҳуқуқлари масаласи урушга қарши, шахс эркининг камситилишига қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олиб бораётган кенг кўламли тадбирларнинг таркибий қисмини ташкил этади.

Ўтган ярим йилда шу мақсадга йўналтирилган тадбирларимизда 500 дан зиёд Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг бевосита иштирок этганлигини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Бу йўналишдаги фаолиятимизнинг икки муҳим жиҳатини алоҳида таъкидламоқчиман:

- ушбу ҳужжат ҳар бир шахс ҳаёти ва фаолиятининг таркибий қисмига айланиши керак;

- давлат хизматчиси ўз фаолиятида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси талабларига қатъий амал қилишига эришмоқ даркор.

Нуриддин ИСМОИЛОВ, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:

- Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси барча давлатлар ва халқлар манфаатларига мос келадиган умумбашарий ҳужжатдир. Янги аср остонасида бутун дунёда, шу жумладан, собиқ СССР ҳудудида юз берган барча ўзгаришлар бу ҳужжатнинг тарихий аҳамиятини бор буюклиги билан кўз ўнгимизда намоён этди. Шу маънода XXI аср бўсағасини бемалол инсон ҳуқуқларини муносиб равишда ҳимоя қилиш даври, дейиш мумкин.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси шу даврга ўзига хос ва ўзига мос тамойиллари билан кириб келди.

Маълумки, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш Ўзбекистон Конституциясининг муҳим бандини ташкил этади. Шу асосида қабул қилинган Фуқаролик Кодексида «Инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан энг устивори унинг яшаш ҳуқуқидир», деб белгилаб қўйилган.

Бу тамойил бизнинг миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Жиноят процессуал Кодексига ҳатто тергов жараёнида ҳам инсон қадр-қимматини ҳимоя қилувчи моддалар киритилган.

Шахсий ҳуқуқлар инсоннинг виждон ва диний эътиқод эркинлигини ҳам қамраб олади. Бу Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган. Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун бу соҳада илгарига қараб ташланган муҳим қадамдир.

Парламентимиз фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган қонунчиликни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Сиёсий партиялар, журналистлик фаолияти, сайловчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қатор қонунлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Фуқароларнинг иқтисодий, маънавий-маърифий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир қатор жуда муҳим қонунлар пакетига эгамиз ва ҳозирги пайтда бу қонунлар халқимиз ҳаётига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатловчи қонунлар тизими бир мунча шаклланди, деган хулосага келишимиз учун асос бўла олади.

Бизда бу мақсадга йўналтирилган қонунларни яратишда:

- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро андозалар;

- ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси;

- миллий қадриятлар ва анъаналар;

- мустақилликнинг ўтган даврида бу борада тўпланган тажрибалар эътиборга олинди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳафтанома

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқ-ни сақлаш тизимини ватани-миздаги ҳамда халқаро ижодий тажрибалар асосида яхши-лашга қаратилган Фармойишга имзо чекди.

***

Қаршида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, Инсон Ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, Конрад Аденауэр номли жамғарма ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан «Демократия ва ҳуқуқий давлат» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

***

Самарқандда «Одил судловни амалга ошириш ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида халқаро семинар ўтказилди. Ушбу тадбирда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар прокурорлари, судьялар, адвокатлар, адлия ходимлари, шунингдек, БМТнинг халқаро экспертлари, инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари қатнашдилар.

Ўтган жума куни пойтахтнинг Эски шаҳар даҳасида яна бир шодиёна бўлиб ўтди. «Жар» спорт маркази тантанали вазиятда очилди. Шаҳримизда қад кўтарган бу бетакрор спорт иншооти халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш имкониятларига эга.

Суратда: «Жар» спорт марказининг олд томондан кўриниши.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
(масъул котиб)
Эркин ЙЎЛДОШЕВ
Мэлс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОТОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолалар" белгиси остида чоп этилади.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:
13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: *Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.*
Нусхаси 18227
Буюртма Г- 0140
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Босмахонага топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 20.40

Навбатчи муҳаррир: **М.БОЛЛИЕВА.**
Навбатчи: **О.БЕГАЛИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА

(Бошланиши 1-бетда).

Бироқ, яхши биламизки, қонун қабул этиш ишнинг ярмини ташкил этади. Энди олдимизда мазкур қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш масаласи турибди.

Бунинг учун:

- инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи институтлар ташкил этилди;
- инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи Парламент Комиссияси ишламоқда;
- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;
- Суд ислоҳотини амалга оширишга қаратилган миллий дастурлар қабул қилинди.

Ушбу анжуман ҳам шу соҳадаги фаолиятимизнинг навбатдаги босқичи бўлиб қолади.

Азимжон ЭРГАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари:

- Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган биринчи кунданоқ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини тан олган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган 1997 йилга қадар Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ андозаларига мос келадиган ҳуқуқий пойдевори яратилган эди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси унинг асосини ташкил этади.

Конституция асосида шаклланаётган миллий қонунчилик замини кўп миллатли давлатимизда инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолат, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини тан олиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби муқаддас ғояларга таянади.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон 20 дан зиёд инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро битимларга қўшилди.

Лекин, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва тан олинган халқаро битимларнинг олижаноб мақсадлари фақат уларга оғишмай амал қилингандагина ўз самарасини беради.

Шунинг учун ҳокимликлар, уларнинг ижроия маҳкамалари ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар қатори конституциявий орган - Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва унинг жойлардаги идоралари олдига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устивор вазифа сифатида юкланилган.

Республикамиз фуқаролари томонидан йил давомида қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан кўплаб мурожаатлар қилинади. Уларнинг аксарияти бевосита прокуратура идоралари томонидан кўриб чиқилиб, ҳар йили 25 мингдан зиёд шикоятлар ҳал этилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари ҳаётнинг турли жабҳаларини, хусусан, тиббий ёрдам олиш, меҳнат, ижтимоий таъминот, уй-жой билан таъминлаш, ноқонуний ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш, жазони ижро этиш жараёни ҳамда бошқа масалаларни қамраб олади.

Фақатгина ўтган 1997 йилнинг ўзидаёқ фуқаролар мурожаатларини текшириш давомида ғайриқонуний ҳуқуқий актлар прокурорларнинг протестлари орқали бекор қилинди. Шундай актлардан 2300 таси фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қарийб 3 мингтаси давлат идоралари томонидан асоссиз маъмурий таъсир чораларини қўллашга доирдир.

... Ўтган йил биринчи босқич судларида кўрилган ишларнинг 80 фоизида, кассация ва назорат тартибида кўрилган барча ишларда прокурорлар иштироки таъминланди.

Прокуратура ўз ваколатларини давлат ташкилотлари, идоралари ва мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга ошириб, қонунийлик устидан назоратни йўлга қўйиш билан бирга ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини турли тажовузлар ва амалдорлар зўравонлигидан ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятларини мувофиқлашти-риб келмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари таъминланишини кафолатловчи қонунлар ижросини ўрганиш, таҳлил этиш учун Республика, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда доимий ишчи гуруҳлар тузилган. Улар томонидан ўтказилган текширишлар натижалари 1997 йил 17 апрель ва 1998 йил 15 май куни кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтган ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгашида муҳокама этилди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқувчи мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир вазифаларга мувофиқ ҳолда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга йўналтирилган таъсирчан дастурий тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис қўмитаси раиси:

- Ўзини дунёда энг инсонпарвар тузум, деб эълон қилган собиқ социалистик тузум Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини 40 йил давомида ўз халқидан яшириб келган. Фақат илк марта «Аргументы и факты» газетасида эълон қилингандан кейингина, «Бечора совет халқи» биринчи марта унинг тўла матни билан танишишга муваффақ бўлди. Чунки, собиқ тузум ўз халқининг ҳақ-ҳуқуқларини таниб олишидан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун моҳияти инсоннинг шахс сифатида камол топишини йўққа чиқарувчи турли кўринишдаги «юришлар» уюштирилиб турилар эди. Уларнинг охиргиси 80-йилларда юз берди. Яхши ёки ёмон одам бўлиши мумкин. Лекин, дунёда «Яхши ёки ёмон халқ» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Бироқ, собиқ совет империяси халқимизга нисбатан ана шундай «сифатни» қўллаш даражасига борди. Бу собиқ марказнинг ўзбек халқига нисбатан геноциди эди.

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис қўмитаси раиси:

- Бу ҳужжат фақат юридик аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, жуда катта фалсафий асосга ҳам эга. Унда минг йилларнинг орзуси мужассамлашган.

Мустақиллик менга:

- Ватан туйғусини берди;
- Озодлик берди;
- Она тилимда гапириш ҳуқуқини берди.

Бутун совет даврида Ўзбекистондан чет элга чиққан одамлар сони ҳозир бир ойда Ўзбекистондан хорижга сафар қилган одамлар сонига тўғри келади. Демоқчиманки, халқимиз катта оламга эмин-эркин бориб келиш имкониятига эга бўлди. Буларнинг бари бизнинг қонунларимизга ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси талабларига мос келади.

Дунёда инсон ҳуқуқларига тўла амал қилинадиган биронта мамлакат йўқ. Биз бу соҳада юксак даражага етишимиз учун юристлар, шоирлар, файласуфлар, кенг жамоатчилик биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Нур ФАРОҒАТ, БМТ Ривожланиш Дастури эксперти:

- Биз ушбу анжуманда қонун ижросини ҳимоя қиладиган ташкилотларнинг, жумладан, Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги фаолиятига алоҳида аҳамият бердик. Чунки Конституциявий суд инсон ҳуқуқларининг бузилиши йўлига қатъий тўсиқ қўя оладиган имконияти кенг ташкилотдир. Менимча, анжуман ўз мақсадига эришди.

А.АБДУХОЛИҚОВ, «Ҳуқуқ» мухбири

Назоратда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ижроси

МАСЖИДЛАР МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Мустақиллик эълон қилингунга қадар Ховос туманида ягона масжид бўлган. Яқинда туман прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни диний ташкилотларда қандай ижро этилаётганлигини умумий назорат тартибида текширишганда, мавжуд 10 та қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларида 28 та масжид фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди.

- Бундай таққос «масжидлар жуда кўпайиб кетибди-ку» , деган таассурот туғдирса-да, лекин ҳеч қачон масалани бу таҳлит муҳокама қилмаслик керак, - дейди биз билан суҳбатда туман прокурорининг ўринбосари Ҳусан Давронов. - Аввало, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни диндор фуқароларимизнинг ва диний ташкилотларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган ҳужжат, деб баҳоламоқ даркор. Қонуннинг бирон моддасида масжид очмасин, битта туманга битта масжид етарли, қабилидаги чекловлар йўқ. Шунинг учун жойларда масжид қавмлари билан учрашувларимизда мазкур Қонуннинг моҳиятини ҳар томонлама тушунтиришга ҳаракат қилдик. Керакли тавсияларни бердик.

Қадим Туркистонда масжидлар ўзига хос билим маскани, маданий-маърифий марказ вазифасини ўтаб келган. Инқилобдан кейин мактаб ва маданий-маърифий марказлар масжидлардан ажратилди. Аммо, бу тадбир динга қарши кураш сиёсати билан қўшиб олиб борилди.

Баъзан матбуотда, телекўрсатув ва радио эшиттиришларда «шунақа масжид қурибсизлар, унинг ўрнига мактаб ёки болалар боғчаси қурилса бўлмасмиди», каби масалани жўн талқин этиш ҳолатлари маълум маънода ана шу кампанияни ёдга солади. Шунинг учун бу масалага фақат қонун талаблари асосида ёндошиш лозим.

Аниқланишича, туманимиздаги 24 та масжид қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги «Шарқобод», «Қайирма», «Қорақум», «Боғистон», «Файзиобод», Ж. Усмонов номли қишлоқ фуқаролар йиғининнинг «Совотобод», «Мингтерак», «Халқобод», «Навбаҳор», «Чашма» қишлоқларидаги масжидлар 1990-1997 йилларда ташкил этилган бўлиб, текшириш кунига қадар рухсатномасиз, ноқонуний равишда фаолият кўрсатиб келганлар.

Худди шундай ҳолат бошқа қишлоқ фуқаролари йиғинлари-да ҳам мавжуддир.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтган мавжуд 4 та масжиднинг 3 таси жоме ва 1 таси жамоа масжидидир. Бу масжидларнинг имом-хатиблари тегишли диний маълумотларга эга бўлган кишилар. Улар Республика Мусулмонлар идораси томонидан тайинланганлигидир.

Қонуний фаолият кўрсатаётган масжидлар диний ташкилотлари томонидан тасдиқланган низомларига эга бўлсаларда, масжидни бошқарувчи имом -хатибларнинг ўз вазифаларига совуққонликлари туфайли низом талаблари қўпол равишда бузилган. Тафтиш ҳайъати тузилмасдан, бу вазифани масжидга қатнаб турадиган номозхонларнинг уч-тўрттасига юклатиш билан кифояланганлиги оқибатида, уларнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилмаган ва қавмлар мажлислари ўтказилиб, ҳисоботлари муҳокама қилинмаган. Бironта ҳам масжиднинг тегишли банкларда ҳисоб рақамлари очилмаган. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига низомда кўрсатилгандек, ҳар уч ойда бир марта диний-молия ва хўжалик ишлари бўйича ҳисобот бериб турилмаган. Ва юқори турувчи идоралар томонидан ҳам низом талаблари юзасидан умуман текшириш ўтказилмаган.

Қонуний фаолият кўрсатаётган бу масжидларнинг асосий вазифалари ва мақсади мусулмонлар эҳтиёжига хизмат қилиш, уларнинг биргаликда ибодат қилишларини таъминлаш, халқнинг бирлигини ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиш, мусулмонлар орасида Ислом дини таълимотининг ривожланишига ёрдам бериш, умумхалқ манфаатлари йўлида биргаликда тарғибот ишларининг олиб борилишини таъминлаш, Ўзбекистон мусулмонлари билан бошқа давлатлардаги мусулмонларнинг иттифоқини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Тумандаги мавжуд диний ташкилотларда, яъни масжидларда терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти қайд этилмади.

Фаоллар ва зиёлилар иштирокида ўтказилган суҳбатларда диндорлар қонуннинг бу талаблари уларнинг мақсад ва манфаатларига тўла мос келишини таъкидлаб, дин ниқобида халқимиз осойишталигини бузишга уринаётган кимсаларнинг қилмишларини қораладилар.

Рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган 24 та масжиднинг ҳар бирида диндорлар билан учрашиб, суҳбатлар ўтказилди. Уларга қонун талаблари тушунтирилди. Бу масжидларда ҳам газ ва электр қувватларидан ўзбошимчалик билан ноқонуний фойдаланган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилиниб, давлатга келтирилган жами 289 минг сўмлик моддий зарарни ундириш чоралари кўрилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинларига юборилган амрномаларнинг ижроси таъминланиб, ноқонуний фаолият кўрсатган масжидлар отахонлар уйи ва чойхоналарга айлантирилди. Улар эгаллаб турган биноларни фуқаролар йиғинлари ва хўжаликлар ихтиёрига ўтказилди.

Қонун ижросини назорат қилмаган 10 та фуқаролар йиғинлари раисларига нисбатан интизомий ҳуқуқбузарлик иши қўзғатилди ва туман ҳокимятига тақдимнома киритилди.

Расмий жиҳатдан назорат тартибида ўтказган текширишимизга якун ясалган бўлсада, бу соҳадаги амалий тадбирларимиз йил - 12 ой давом этаверади. Чунки масжидлар, отахонлар чойхоналари имон-эътиқодли кишилар йиғиладиган маскан ҳисобланади. Уларнинг кўнглига йўл топа олсак, бу жамоа давлатимиз сиёсатининг ва қонунларимизнинг энг яхши тарғиботчиларига айланиши мумкин. Шунинг учун туман прокуратураси бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда бу жамоат жойларида учрашувлар, ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар ўтказиб туришни режалаштириб олди. Келгусида фуқаролар йиғинлари билан биргаликда бу жойларга ҳуқуқий соҳадаги газета-журналлар ва бошқа адабиётлар етказиб берилишини йўлга қўйсак, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасидаги фаолиятимиз анча жонланар эди.

Ҳ.ДАВРОНОВ,
Ховос туман прокурорининг ўринбосари

Долзарб мавзу

БИЛИМДОНЛАР ТАЛАБА БЎЛАДИ

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг директори, техника фанлари доктори, профессор Муҳсин МУҲИДДИНОВ билан бўлган суҳбатимиз бу йилги тест-синовлар қай йўсинда ташкил этилганлиги, ундаги янгиликлар хусусида бўлди.

- Муҳсин Мўминович, тест синовларини топширишда бу йил ўзгаришлар борми?

- Агар ўтган йили 40 мингга яқин тест саволлари жамғармасидан вариантлар тузилган бўлса, бу йил саволлар доираси 60 мингга кўпайди. Улар асосан мактаб дарсликларидаги ўқув дастурини тўлиқ қамраб олган.Шу нарсани алоҳида таъкидламоқчи эдимки, 1996-1997, 1998 йиллардаги «Ахборотнома»ларда чоп этилган тест саволларидан бу йил тўлиқ фойдаланилади.

Тест синовлари технологиясига анча янгиликлар киритилди. Масалан, кўп вариантли тест тизими янада такомиллашади, вариантлар сони кўпаяди. Фақатгина компьютер 60 минг тест саволидан вариантларни тузади. Абитуриентларни гуруҳларга, назоратчиларни аудиторияларга тақсимлаш ва раҳбарни белгилашни ҳам компьютер амалга оширади. Тест синовлари натижалари, ҳам умуман инсоннинг аралашувисиз белгиланади.

Тест топшириқлари жамғармасининг икки баробар ортиши талабаликка талабгор ёшларнинг билим ва зукколик қобилиятини аниқ белгилаш, топшириқ муқобилларининг ортиши ҳисобига билимларнинг холисона баҳоланишини кучайтириш ва жавобларни қуруқ ёдлаб олишни камайтиришга олиб келади. Шуниси қувончлики, ёшларимизнинг барча таълим шакллари бўйича маълумот олишга интилиши кучаймоқда, билимларнинг тест асосида холисона баҳоланишига ишончи мустаҳкамланмоқда.

Натижалар таҳлил қилинганда, бир қатор табиий фанлар йўналишлари, техника ва технология соҳаларидаги мутахассисликлар бўйича кўрсаткичлар нисбатан ўсиб боришини сезиш мумкин. Таълимнинг баъзи йўналишлари бўйича танлов сезиларли даражада ортди. Ҳуқуқ, иқтисодиёт, молия, фалсафа ва тил таълими йўналишлари бўйича танлов анъанавий тарзда юқорилигича қолди. Иқтидорли ёшларни қишлоқ хўжалиги институтларига танлаб олишда ҳам ижобий силжишлар сезилди.

Эндиликда тест асосидаги кириш имтиҳонлари ўқувчи учун бутун ўқув-таълим давридаги, яъни мактаб партасидан тортиб, то олий ўқув юрти дипломини олиш ва илмий ишни бажариб бўлгунгача даврдаги ягона имтиҳон бўлиб қолмоқда. Амалиётда шу нарса маълум бўлдики, ўқувчилар тест асосидаги имтиҳонларга тайёрланиш чоғида жуда кўп куч сарфлайдилар. Ва ундан кейин анча бўшашиб қоладилар. Ўқувчилар билимларининг кўпгина қисмини имтиҳонга тайёрланиш чоғида оладилар. Агар улар бутун ўқиш даврини айни шу тартибда ўтказганларида эди, оладиган таълимнинг сифати анча юқори бўлар эди.

- Шу муносабат билан марказ бирон чоралар кўрдими?

- Давлат тест маркази томонидан мактабларда, олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув юртларида ҳамда малака ошириш институтларида босқичма-босқич тест ўтказиш усули таклиф этилди. Ушбу усул фан, таълим ва хўжалик юритишнинг анча кенг соҳалари бўйича тест топшириқлари жамғармасини яратишни кўзда тутади. Бундай жамғармани яратиш учун энг илғор мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, хорижий ҳамкасблар билан алоқа қилиш зарур. Шунинг билан бирга мамлакатимиз ўқув юртларида олинаётган барча мутахассисликларни ва уларга ўқитишнинг барча курсларида қўйиладиган талабларни туркумлаш лозим. Айтиш жоизки, Давлат тест маркази ёшларнинг билим даражасини аниқлаш жараёнини мукаммаллаштириш, абитуриентларга илмий-услубий жиҳатдан пухта тестларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини изчил давом эттирмоқда.

- Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

- Президентимизнинг махсус Қарорларига асосан бу йил марказимиз қошида тест синовлари ўтказувчи билим даргоҳлари таркибига талайгина олий ўқув юртлари қўшилди. Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари тасарруфидаги ўқув юртлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети шулар жумласидандир. Тузилаётган тестларни таълим жараёни билан боғлаш ва юқори малакали ўқитувчилар, педагогик ходимларни, олимларни тестлар тузишга жалб этиш мақсадида «Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» мавзусида танлов эълон қилдик. Танловда қатнашиш учун белгиланган муддатда 185 нафар муаллифлар томонидан тузилган тестлар махсус комиссияга тақдим этилди.

Кўпчилик абитуриентлар тест марказига қабулга келганларида, марказнинг фанлар бўйича экспертлари томонидан уларнинг қилган хатолари тушунтирилади. Лекин тест натижалари белгиланган тартибга биноан аппеляция қилинмайди. Шу муносабат билан марказимиз талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга аниқлик киритишни таклиф этмоқда. Масалани шу тарзда қўйиш адолатли ҳуқуқий жамият қуриш ғояларимизга ҳам тўлиқ мос келади, деб ўйлаймиз. Марказимиз бундан буён ҳам истеъдодли, билимга чанқоқ ёшларни танлаш йўлида барча куч ва имкониятларини ишга солаверади.

Назокат УСМОНОВА
суҳбатлашди.

Фарзанд ва тарбия

ШИРИН ЁЛҒОНЛАРНИНГ АЧЧИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Гулноза... Бор куч-имконияти ва вақтини ўзига зеб беришга сарфлайдиган бу қизнинг юриш-туришидан, кийинишидан ўзбек қизи деб ўйламайсиз.

Нега дейсизми?

«Кўчаларинг бисёр-бисёр, бири кенгдир, бириси тор», деганларидек, кўнгилнинг бу жирканч кўчасига Гулноза қандай кириб қолган, бунга ким сабабчи, у ёғи бизга қоронғу... Лекин шуниси маълумки, Гулноза энди 9-синфни битирган, 16 ёшга ҳам тўлмаган Наргизанинг узоқ қариндоши эди.

Хўп, қариндоши бўлса нима бўпти? Бунга Наргизанинг нима алоқаси бор, демоқчимисиз? Гап шундаки, биз тилга олганимиз Наргиза ҳам, кўнгил кўчаларида адашиб, берк кўчага кириб қолган жабрдийда қиз.

Наргизани бу фожеага худди шу қариндоши - Гулноза бошлади, десак хато қилмаймиз.

Бирнинг касри мингга уради, деганлари тўғри экан. Барча қариндошлар енгил табиатли Гулнозанинг касрига қолди. Унинг дастидан ҳаммасининг боши ҳам. Бу ҳам етмагандай, Гулнозанинг кейинги қилмиши ҳаммасидан ошиб тушди. У қариндоши Наргизани ҳам ўзининг йўлига бошлади.

9-синфни битириб, уй қизига айланган Наргиза кўпинча ёлғиз қолиб, зерикарди. Ҳамма ўз иши билан банд. Укалари мактабда, дадаси, ойиси ишда. Уй юмушлари ҳам бирпасда жонига тегди. Бирон жойга ишга ҳам жойлаштиришмади. Айни шундай зерикарли кунларнинг бирида уни йўқлаб қариндоши Гулноза келиб қолди.

Гулнозанинг ўз саргузаштлари ҳақидаги жўшиб-жўшиб айтган гапларини эшитган Наргизага ўзининг уйда «биқиниб» ўтириши ғирт беъманилик бўлиб туюлди. Наргизадаги бу кайфиятни сезган Гулноза унга ўзини меҳрибон кўрсатиб, «Ҳадеб уйда ўтираверасанми, юр, кўча айланиб келамиз», деб таклиф қилиб қолди. Наргиза ҳам азбаройи зерикиб ўтирганидан, Гулнозани кўп ялинтирмади.

Кўчада қизларни Гулнозанинг «таниш»лари Мадраҳим ва Бахтиёр кутиб туришганди.

Гулноза Наргизани улар билан таништирди. Улар дарров «иноқ» бўлиб кетишди.

Бир-икки кундан кейин Гулноза ўзининг «таниш»лари билан Наргизаларникига келиб, уни паркка таклиф қилди. Наргиза бу «қадрдон» дўстларининг таклифини рад этолмади. Боғда айланиб юришганида Бахтиёр Наргизага яқиндан танишмоқчи эканлигини айтди. Ёш қизнинг кўнглини олиш Бахтиёр учун қийин кечмади. Наргизага шоколад олиб берди. Ундан ота-онаси кимлиги, ёши нечадалигини сўради.

Бахтиёр ўзини Наргизага Мажнун каби «ошиқ» бўлиб қолгандек кўрсатди.

Наргиза айни муҳаббат ёшида эмасми, унинг ширин сўзлари рост эканлигига шубҳа қилмади. Бахтиёр билан учрашиб туришга рози бўлди.

Наргиза ўз ҳаётидан хурсанд эди. Нега хурсанд бўлмасин, энди олдингидай уйда ўтириб сиқилишлар, зерикишлар унутилган. Ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора ўз «кампания»си билан кўнгилхушлик қилади. Шаҳарнинг улар бормаган хиёбони-ю боғлари, кафелари-ю, барлари қолмади. Бу орада Гулноза ўзининг хушторини алмаштиришга ҳам улгурди. Энди у Мадраҳим билан эмас, Жамол деган бола билан ишқий романини давом эттирарди. Бахтиёр билан Наргиза эса ҳар ҳолда бир-бирига «садоқат»ли чиқиб қолди. Негаки, Бахтиёр Наргизани «сенга уйланаман» деб ишонтирди.

Соф севги ҳақида тиниқ тасаввурлар оғушида яшаётган Наргиза Бахтиёрнинг ҳамма гапларига ишонаверди. Ҳатто Бахтиёр ўз уйига таклиф қилганида ҳеч тортинмасдан борди. Бахтиёрнинг уни ғараз ниятларда уйига таклиф қилаётганини хаёлига ҳам келтирмади.

Бахтиёр Наргизани алдашда давом этарди. У ўзининг юридик институтда ўқишини, ота-онаси уйлантирмоқчилигини айтиб, Наргизанинг «Ҳали ёшман, дадам билса, ўлдиради», деган гапларига эса, «3 ойдан кейин 16 га тўласан, мен ота-онамни олиб келаман. Улар совчиликка боришади, кейин сенга уйланаман», деб ишонтирди.

Наргиза эса, 3 ойдан кейин бўладиган тўйларини, ўзининг шундай «келажаги порлоқ» бўлажак юристга турмушга чиқишини ўйлаб унга майл билдирди.

Барча даҳшат, тўс-тўполонлар эртасига бошланди. Ўша куни кечаси уйга кириб борган Наргизани ота-онаси бетоқат кутиб ўтиришарди.

Қизининг ким биландир «гаплашиб» юрганлигини сезиб қолган ота, ундан бунча кеч қаердан келаётганини сўраб-суриштирди. Ноилож қолган қиз ўзининг Бахтиёр деган бола билан бирга юрганлигини, Бахтиёр унга уйланмоқчи эканлигини айтади.

Эртасига Наргизанинг ҳамма орзу-умидлари саробга айланганлиги, Бахтиёр уни алдаб юрганлиги маълум бўлади.

Ҳа, Наргиза тузатиб бўлмас хатога йўл қўйди. У буни кеч тушунди. Сўнгги пушаймонлар бефойда. Унинг бу қилмиши туфайли ота-онаси қай аҳволга тушганлигини тасаввур қилинг. Ахир, уят - ўлимдан қаттиқ дейдилар. Наргиза Гулнозанинг йўл-йўриғи билан Яккасарой туман ИИБга ариза берганди. Кейин маълум бўлишича, Бахтиёрнинг оиласи, 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор экан. Тошкент шаҳар 12-сонли туғруқхона мутахассисларининг хулосасига кўра, Наргизанинг 3 ҳафталик ҳомиласи борлиги аниқланди.

Ширин ёлғонларга ишониб, ўзига аччиқ қисмат тайёрлаган Наргизанинг бу ҳолга тушишига ким айбдор? Менимча, Наргизанинг юриш-туришига ота-онанинг ўз вақтида эътибор бермаганлиги сабабли у Гулнозанинг изидан эргашди.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда Гулнозага ўхшаган енгил табиатли қизлар кўпайиб кетаётир. Улар ўз иллатларини ён-веридагиларга ҳам юқтир-моқда.

Учинчидан, аксарият эркаклар, уйида хотини, бола-чақаси туриб, шундай алдоқчилик қилиб, ёш қизларни йўлдан уришга ҳаракат қилишади.

Наргизанинг бахтига зомин бўлган юқоридаги сабаблар ичида энг асосий айбдор - Бахтиёр ана шу тоифадаги эркаклардан бири бўлиб чиқди.

Бахтиёр қилмишига яраша жазосини олди. Суд қарори билан 6 ой муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Т.САМАТОВ,
Яккасарой туман прокуратураси терговчиси.
М.БОЛЛИЕВА, «Ҳуқуқ» мухбири.

P.S. Мақолада келтирилган исмлар ўзгартириб берилди.

Никоҳ ва оила

Анвар билан Гули бахтли эдилар. Маҳалла, қўни-қўшнилар, никоҳ базмига ташриф буюрган меҳмонлар ҳам ёш келин-куёвга қараб «кўз тегмасин, бир-бирига узукка кўз қўйгандай ярашибди», дейишди. «Ёмон кўзлардан яратганнинг ўзи асрасин», деб куёвнинг онаси ҳар тонг фарзандлари ишга отланаётганида исириқлар тутатарди.

Бир йилдан сўнг она бечоранинг орзулари армонга айланди. «Характеримиз тўғри келмади», деб эр-хотин ўртадаги никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишди. Ўртада бир ёшли Нилуфар отасиз тарбияланадиган бўлди. Нима сабабдан «сиз менинг ҳаётимсиз», деб бир-бирига ширин-ширин сўзлар айтган айрим ёшлар кўп ўтмай никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги фаризаларни ёзишмоқда?

Тошкент шаҳар прокуратурасининг фуқаролик ишларида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Х.Тожибоева билан суҳбатимиз ана шу муаммолар ҳақида бўлди.

НОРАСИДАЛАР ЙИҒЛАМАСИН

- В. Гюгонинг оила ҳақида ажойиб сўзи бор: «Оилажамиятнинг дуру гавҳари. Уни бузишга мўлжалланган ҳар қандай ижтимоий назариялар яроқсиздир», деган.

- Оила азалдан ҳамма халқларда муқаддас кўрғон саналган. Айниқса, биз шарқликларда оилага ўзгача ҳурмат билан қарашади. Муқаддас даргоҳнинг барбод бўлиши азалдан кораниб келинган. Бугунги кунда оилаларнинг бузилишига эр-хотин ўртасидаги мен сендан камми, қабилидаги муносабат ҳам сабаб бўлаяпти. Икки томоннинг бундай иш тутишлари оқибатида қарабсизки, оиладаги майда жанжаллар жиддий тус олади ва эр-хотин судга никоҳни бекор қилиш тўғрисида ариза кўтариб келишади. Энг ачинарлиси, ўртада бегуноҳ фарзандлар азият чекиб, аро йўлда қолади. Кейинги пайтларда эр-хотин ўртасидаги никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ариза зудлик билан ҳал қилинмаяпти. Имкон қадар оилани тиклашнинг чора-тадбирлари кўрилмоқда. Оила Кодексининг 44-моддасида ҳам шу талаблар белгилаб қўйилган. Оилани тиклашнинг ҳеч қандай имкони бўлмаган тақдирдагина даъвогарнинг аризаси суд томонидан қаноатлантирилади. Масалан, Сирғали туман судига даъвогар А. Совер, жавобгар турмуш ўртоғига нисбатан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган. Суд ушбу аризани кўриб чиқиб, даъвогарнинг илтимосини узоқ мулоҳазалар ва маслаҳатлардан сўнг қаноатлантирди. Бундай қарорга келишда улар ўртасида меҳр-оқибат қолмаганлиги, оиладаги тез-тез бўлиб турадиган жанжалнинг ўта кескинлашиб бораётганлиги инобатга олинган. Даъвогар никоҳни бекор қилиш билан бирга вояга етмаган ўғлининг бирини ўзининг тарбиясида қолдиришни ҳам талаб қилган. Туман суди аризачининг бу талабини ҳам қаноатлантирган.

- Кейинги пайтларда айрим оилаларнинг бузилишига тижорат ҳам сабабчи, деган гаплар қулоққа чалиниб қолаяпти.

- Менимча, бунда айбни тижоратдан излаш мутлақо нотўғри. Аввало, ажралишларнинг бош айбдорлари эр-хотиндир.

(Давоми 5-бетда).



Р.ШАРИПОВ суратлари.

Тойчоғим - овунчоғим...

Ўсмир ва қонун

...Тун ярмидан оққанда уйнинг эгаси қўшни хонада кимнингдир юрганини сезиб қолди. Дарров уйларнинг чироқларини ёқди. Хонага кириши биланоқ, кўзи қўлида пичоқ тутган болага тушди. Ўз вақтида қилинган ҳаракатлар туфайли босқинчи жиноят устида ушланди. Бу йигитча ҳали оғзидан она сути кетмаган Андрей Некрасов эканлиги маълум бўлди. Бу болакай нега жиноят кўчасига кирди? Унинг ота-онаси, мактаб маъмурияти нега Андрейнинг тақдири билан қизиқмаган? Нима сабабдан Андрейга ўхшаш болалар сони ошмоқда? Мухбиримиз Бектемир туман прокурори ўринбосари, 1-даражали юрист Ғайбулла СУЛТОНОВ билан ана шу муаммолар ҳақида суҳбатлашди.

ТАРБИЯНИНГ МАКТАБИ - ОИЛА

- Жиноят қилгани учун милиция бўлимига олиб келинган вояга етмаган болаларни кўрганимда, бир донишманднинг «ёмон болалар учун ота-оналарини жазоламоқ керак», деган сўзлари хаёлимда бот-бот такрорланади.

- Ҳамма яхши-ёмон нарсаларни бола ўз ота-онасидан ўрганади. Биз кўпчилик ҳолларда жиноят қилган, вояга етмаган болаларнинг яшаш шароитини ўрганиб чиққанимизда, уларнинг асосий қисми тарбиясиз оилаларда ўсганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Зиёли оиладан эса ноқобил фарзанд чиқмайди.

- Ғайбулла ака, бозорларда, транспортларда ва одамлар гавжум жойларда юрган қаровсиз болаларга кўзимиз тушади. Уларнинг бирон ножўя иш қилмасликларига ҳеч ким кафолат беролмайди...Тўғрими?

- Фикрингизда жон бор. Бизни ҳам ана шу муаммолар ўйлантириб келяпти.

Тўғрисини айтиш лозим. Бекорчи болалар тўп-тўп бўлиб бозорларни кезишади. Баъзилари ўзлари билиб -билмай жиноят йўлига кириб қолишади. Биргина туманимизда 48 нафар вояга етмаган ёшлар жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир қилгани учун ИИБда рўйхатда турибди. Сўзимнинг исботи сифатида бир мисолни келтириб ўтмоқчиман. Вояга етмаган Музаффаров ва Смирнов бошлиқ гуруҳ ўз «отряди» билан 7 марта ўғирлик жиноятини содир қилган. Дўконларни ўмаришган. Катта корхоналарнинг турли қимматбаҳо компьютерларини ўғирлаб, бозорга чиқариб сотиб, топилган маблағ ҳисобига кайф-у сафо қилиб юришган. Ҳали мактаб ўқувчиси бўлган бу болалар ўғирликдан топилган пуллар ҳисобига ўзлари учун қимматбаҳо кийим-кечаклар сотиб олишган. Ажабланарлиси, уларнинг ота-оналари кийимларни қайси пуллари эвазига олганларини суриштирмаганлар.

- Жиноятлар содир бўлаётган экан, унинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида қандай ишлар қилиниши керак?

- Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз, - деган эди немис ёзувчиси Ж. Поль. Бу сўзларда чуқур фалсафий фикр бор. Афсуски, қайси бозорга борманг, бирон нарса сотиб ўтирган аёлга кўзингиз тушади. Энг аввало, ҳар бир ота-она ўз фарзанди тақдири учун масъул эканлигини унутмаслиги керак. Биз кўпинча бирон ўқувчи жиноят содир қилса «мактаб ва маҳалла қўмитаси қаерга қараб ўтирибди?», деб аюҳаннос соламиз. Аслида, ота-онаси тарбия бера олмаган фарзандга қандай қилиб маҳалла ёки мактаб тарбия бера олади. Яқинда туман ички ишлар бўлимига 1982 йилда туғилган, вояга етмаган Анжелло Кимни олиб келишди. У Қўйлиқ бозори ёнида Лена Пульянковонинг пулини тортиб олган. Ўзингиз ўйланг, ҳали мустақил ҳаётга қадам қўймаган А. Ким шу ёшида бировнинг пулини тортиб олса, яна беш-олти йилдан кейин бундан-да оғирроқ жиноят содир қилмаслигига ким кафолат беради?! Бу жиноятларнинг туб илдизи оиладаги нобол тарбияга бориб тақалади.

- «Болаларга яхшиликни сингдириб ўстиринг, унга бахтни фақатгина шу беради» - деган эди Л. Бетховен. Барча оила бошлиқлари машҳур мусиқашуснинг сўзларига амал қилаяпти, деб ўйлайсизми?

- Энг даҳшатлиси, вояга етмаган айрим ёшлар қотиллик каби жиноятларга қўл урмоқдалар. Туманимизнинг Мусаввир кўчасидаги 33-уйда яшовчи И.Стоянов ҳомиладор хотини М.Охлопковани шу йилнинг 21 майида мост ҳолатда ўлдиради. «Олманинг тагига олма тушади, жийданинг тагига жийда», деганган бор. Тарбия кўрган оиланинг фарзанди кўчага чиқиб, бировнинг мулкини ўғирламайди. Чунки, оилада унга ўзганинг молини ўғирлаш гуноҳ эканлиги, бунинг оқибатлари яхшиликка олиб келмаслиги ҳақида ота-она фарзандларига уқтиришади. Кейинги вақтларда айрим ёшларимиз ўзгаларнинг мулкини ўғирлашдан ҳазар қилишмаяпти. Баъзилари фарзандлари олиб келган харом луқмаларни ўйламай, уялмай-нетмай тановул қилишмоқда.

1963 йилда туғилган Ирина Пульякова ўзининг 13 ёшли Наталья ва 10 ёшли Елена исмли қизлари билан биргаликда шу йилнинг 2 февраль куни кечаси соат 2 ларда қўшниси Алексей Кимнинг уйига ўғирликка киришади ва у ердан 40 минг сўмлик молмулкни ўмариб кетишади. Ўз вақтида қилинган саъй-ҳаракат туфайли жиноят фош қилиниб, ўғирланган мол-мулк ашёвий далил сифатида олинди.

Ўз фарзандларини қабоҳат йўлига бошлаган И. Пульяковани ким деб аташни ҳам билмайсан, киши. Одамни ўйлантирадиган бундай воқеаларни яна кўплаб келтириш мумкин.

- Ғайбулла ака, суҳбатингиздан маълум бўлдики, аслида, фарзанд ўстираётган ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши керак.

- Фикрингизга тўлиқ қўшилган ҳолда бир сўзни айтмоқчиман. Муқаддас китобларимизда: «Фарзанд - инсон учун оллоҳ берган буюк неъматдир», - дейилган. Шундай экан, буюк неъмат - фарзандни тўғри, виждонли қилиб тарбиялаш лозим. Ана шундагина ота-она фарзанди ва жамият олдидаги вазифасини бажарган бўлади. Ана шундагина фарзандларимиз элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган инсонлар бўлиб етишади.

Суҳбатдош
З. МАМАДАЛИЕВ

Биргаликда сайр қилиш ҳам гаштли

НОРАСИДАЛАР ЙИҒЛАМАСИН

(Бошланиши 4-бетда).

Кейинги йиллардаги ўтиш даври муаммолари ҳар бир оилани синовдан ўтказаяпти. Ақл билан иш юритган оилалар бахтли яшашмоқда. Аммо, айрим оилалар мол-дунё дардида ўралашиб, эр ўз билганича, хотин ўзича пул топишга киришмоқда. Пул топиш, бойлик топиш яхши. Агар топилган нарсалар ҳалол пешона тери эвазига бўлса, нур устига аъло нур. Бир мисолни келтириб ўтмоқчиман. Даъвогар Бахтиёр Ғозиев ўз аризасида хотини билан 1976 йилдан бери қонуний никоҳда эканлигини, уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, кейинги пайтларда хотини тижоратга берилиб, унинг эркаклик шаънига тегадиган гаплар қилаётганлигини айтган. Суд бу оиланинг никоҳини сақлаб қолиш мумкин эмаслигини аниқлагач, даъвогарнинг илтимосини қондирган. Кечагина бир ёстиққа бош қўйиб, аҳил яшаган эр-хотин икки қутбга ажралишди. Улар тақдир насиб қилса янги оила ҳам қуришар, лекин ўртадаги фарзандларнинг тақдири қандай кечади? Еб-ичишдан ва кийинишдан камчилиги бўлмас, аммо улар ота меҳридан ёки она дийдоридан бенасиб қолишади. Бу фожеани кўпчилик ота-она дилдан ҳис қилмаяпти. Айримлари бу ҳақда чуқуррақ мулоҳаза ҳам қилиб кўрмаяпти. М. Ғуломова ўз турмуш ўртоғининг спиртли ичимлик ичишини, оилага ёрдами тегмаслигини сабаб қилиб, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан туман судига мурожаат қилган. Судда эса оила бошлиғи ҳам уй бекасининг ҳар хил кесатиқ гаплар билан асабига тегишини кўрсатади. Аммо икки томон ҳам ўз камчиликларини тан олиш ўрнига ўзларича ҳақлигини даъво қилишган. Оқибатда гулдай оила барбод бўлган. Кишини ўйлантирадигани - оилада тўрт нафар вояга етмаган фарзанд бор. Вақти келиб норасидалар ота-оналарининг бу ишларини қандай баҳолайди? Кимлардир тирноққа зор. Айрим ношукур инсонлар эса Оллоҳ берган буюк неъмат - гулдай фарзандларини йиғлатиб, меҳрдан маҳрум қилишмоқда.

- Ҳамма вақт ҳам судьялар никоҳларни бекор қилаётганда адолатли қарор чиқараяпти, деб бўладими? Бу борада фуқаролик ишларини кўришда прокурор ваколати қандай таъминланмоқда?

- Ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида туман судлари томонидан 2028 та никоҳни бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик ишлари кўрилиб, 1784 тасига судьяларнинг қарорлари чиқди. Судларга даъво аризаларининг асосий қисми аёллар томонидан берилган. Никоҳни бекор қилишнинг асосий сабаблари таҳлил қилиб чиқилганда қатор оилаларнинг аксарият қисмида эр-хотиннинг бири турмуш ўртоғига хиёнат қилганлиги рўкач қилинган. Яна бир сабаб - эрларнинг оилани ташлаб қўйиб, доимий равишда ичкиликка муккасидан кетишидир. Айрим ҳолларда судлар томонидан даъвогар ва жавобгар эр-хотинни ўзаро яраштириш чоралари кўрилмаяпти. Кўпгина туман судларида никоҳни бекор қилишга олиб келган ҳолатлар тўла ўрганилмаяпти. Ўтган йилнинг биринчи чорагида кўрилган кассация тартибидаги фуқаролик ишларининг ҳар учтасидан биттаси асоссиз бўлганлиги сабабли бекор қилинган.

Бизнинг мақсадимиз кўрилган ҳар бир фуқаролик ишининг қонунийлигини амалдаги қонунларимиз асосида назорат қилишдир. Халқимиз қушнинг уясини бузиш ҳам гуноҳ, деб ҳисоблайди.

Шундай экан, бизнинг ниятимиз - ҳеч бир оила бузилмасин, болалар тирик етим бўлмасин. Ҳар бир инсон ўз умр йўлдоши билан қўша қарисин, фарзандларининг роҳатини кўрсин.

ЗАЙНИДДИН.

Ўгит

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ҚОИДАЛАРИ

Агар сендан меҳмондорчиликнинг икки қоидасини биласанми, деб сўрасалар, шундай жавоб бергин:

- биринчидан, меҳмонларни ширин ва тотли таомлар билан зиёфат қилиш лозим;

- иккинчидан, меҳмонларни уйингга таклиф этар экансан, улардан бирон нарса таъма қилмаслик керак.

Агар сендан яна меҳмондорчиликнинг қандай қоидалари бор, деб сўрасалар, шундай жавоб бергин:

- биринчидан, меҳмонни таъзим билан кутиб ол ва уйингнинг тўрига ўткиз;

- иккинчидан, унга очиқ чеҳра ила муомала қил;

- учинчидан, чақирилмаган меҳмон келса, бундан норозилигингни сездирма;

- тўртинчидан, тасодифан келиб қолган меҳмонга алоҳида мурувват кўрсат;

- бешинчидан, бахил бўлма, меҳмон учун бор нарсангни дастурхонга кўй;

- олтинчидан, ўзингни ўта уддабуррон кўрсатма...

Агар мезбон ўзини қандай тутиши керак, деб сўрасалар, шуларни айт:

- меҳмоннинг оч ёки тўқлигини суриштирмаслик керак;

- уйдаги бор ноз-неъматларни унинг олдига қўйиш лозим;

- меҳмонни кузатаётганда остонада хайрлашиш билан чекланмаслик керак;

- меҳмонни яхшироқ кутиб ололмаса, ундан узр сўрамаслик лозим, чунки бу мақтанчоқлик аломати саналади;

- меҳмондан миннатдорлик изҳор этишини кутиб турмай, унинг келганлиги учун ташаккур билдириш лозим.

Жиноятга жазо муқаррар

КИМ ЭДИНГИЗ-У, КИМ БЎЛДИНГИЗ...

ТИЛ БИРИКТИРИШ

4-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Александр Соломонович Левин прораб Ашуровни анчадан буён кўз остига олиб юрарди. Ниҳоят, ў бир тўхтамга келди: «Ашуров мен ўйлаган одам». 1993 йил баҳор ойларининг бирида бошлиқ уни ўз ҳузурига чорлади.

- Хўш, Холмуродбой, қурилишда ишлар қалай? - сўради Левин саволомуз қараб турган прорабдан.

- Ҳаммаси жойида, хўжайин. Объектларни ўз вақтида топшириб турибмиз.

- Объектларни қўя тур, лекин ойлик ҳисоботларинг чатоқ, камомад, қолдиқ кўп.

- Энди буёғи сизга боғлиқ, хўжайин, - Ашуров айбдор одамдай бўйнини қисди.

- Бўпти, бу ёғини ўзим «текислайман». Гап орамизда қолсин. Сенга яна битта «таклиф»ни айтмоқчи эдим...

- Қанақа таклиф? - Холмурод қизиқиш билан бошлиққа яқин сурилди.

- Энди, укам, қулочни кенгроқ олсак, кўриб турибсан, ҳамма нарса менинг қўлимда. Ҳозир «Ўзгариш» мавзесида уй-жой қураяпсан-а? Ўша жойга ғовакли плиталар, пойдевор блоклари юбориб турилади. Уларни сен қабул қилиб оласан.

Холмурод бир лаҳза тайсаллаб қолди.

- Александр Соломонович, ўзингиз яхши биласиз-ку, менинг бригадам ер усти қурилиш ишларини олиб боради. Бизнинг ишимизда бу материаллар кўзда тутилмаган.

- Буни сендан кўра яхши биламан. Лекин манави мансаб курсиси мен учун бугун бор, эртага йўқ. Шундан фойдаланиб қол, йигит. Сенга ишонганим учун айтяпман. Улушингни олиб турасан...

Бошлиқнинг «таклифи»дан жиноят иси келарди. Лекин каттакатта ўмаришлар орқасидан келадиган жарақ-жарақ пуллар Холмуроднинг ақл-хушини ўғирлаб бўлганди. Кимсан, Левиннинг ўзи бу ишга бош-қош бўлиб турса, йўқ деб бўладими!

Аммо-лекин бу «ўйин»нинг хатарли жиҳатлари ҳам бор-да. Ғовакли плиталар ва пойдевор блокларини темир-бетон буюмлари заводидан қандай қилиб олиб чиқиб кетишади? Бунинг учун озмунча ҳужжат керакми? Ўғирликнинг иси чиқиб қолмасмикин?

Ашуровнинг хавотирланаётганини пайқаган бошлиқ унга таскин берди.

- Бу ёғини менга қўйиб бер. Ҳужжат-пуҳжатлар билан ишинг бўлмасин.Мен айтган материалларни олиш учун ишлаб чиқариш бўлимига ариза беравер...

ҚАЛТИС ҚАДАМЛАР

Бошлиқ акаси қулочни каттароқ олишга «фотиҳа» бергандан кейин Холмуроднинг куни туғди. Энди ҳеч кимдан кўркмай, қурилишни ўпираверса ҳам бўлади. Орқасида тоғдай, суянчиқ бўлиб Левин акаси турибди!

Ўша махфий тил бириктиришдан сўнг Ашуров қурилиш бошқармасининг ишлаб чиқариш бўлимига ҳар ҳафтада топшиладиган аризасида фалон-фалон дона йиғма-темир бетон буюмларга ҳам буюртма берадиган бўлди.

Александр Соломонович ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Дина Павловна Голубга шипшитиб қўйган, шекилли, Холмуроднинг буюртмаларини ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиб олар, «булар сенга нега керак», деб сўраб ҳам ўтирмасди. Прорабнинг бу ёғи билан иши йўқ. Ойлик ҳисоботларни бошлиқнинг ўзи тўғрилаб бераман деди-ку. Ҳужжатларга жавоб берадиганлар бор.

Шундай қилиб, Ашуров прораблик қилаётган қурилиш майдонларига Левин айтган ғовакли панеллар ва пойдевор блоклари сувдай оқиб кела бошлади. Холмурод заводдан пешма-пеш келтирилаётган бу қурилиш материалларини қабул қилиб оларкан, ҳайдовчилар тутқазган юк-транспорт варақасига имзо чекиб, муҳрини босар ва уларнинг нусхаларини ўзида олиб қоларди. Сўнгра келишилганидек, ҳайдовчиларга «буларни шу ерга тушир» ёки палон жойга олиб бор», деб кўрсатма берарди. Панел ва блокларнинг қаёққа ғойиб бўлаётганини Левин икковидан бошқа ҳеч ким билмасди.

Холмурод ҳар сафар ойлик ҳисоботларини топширганда «ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да», деб қўяр, лекин энди ортга қайтишга ўзида журъат тополмасди...

Уларнинг жиноий фаолияти икки йилдан кўпроқ вақт давом этди. 1995 йилнинг ёз ойларига келиб, қурилишдаги ўпирилишлар кўзга ташланиб, дастлабки ташвишли қўнғироқ садоси қулоққа чалина бошлади.

ТАФТИШ

Қурилишда ҳам тартиб-қоида бор. Моддий бойликлардан қандай фойдаланилаётганлигини ва улар қандай сақланаётганлигини ўрганиш бўйича режали тафтишлар, текширувлар ўтказиб турилади. 1993-95 йиллар давомида 2-Тошкент уйсозлик комбинатининг тафтишчиси Ф.Тагирова 4-қурилиш бошқармасида икки марта ҳужжатли тафтиш ўтказади. Гарчи, тафтишда мулкни хатлаш натижасига кўра, моддий жавобгар шахслар фаолиятида камомад ва қолдиқлар аниқланмай қолган бўлса-да, прорабларнинг моддий ҳисоботларида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилади.

Ҳужжатли тафтиш якунлари 1995 йил 24 март куни 2-уйсозлик комбинатида кўриб чиқилади, бироқ ишда камчиликларга йўл қўйган моддий шахслардан бирортасига нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмайди.

Ниҳоят, комбинат маъмуриятининг 1995 йил 27 декабрдаги 118-сонли буйруғи билан 4-қурилиш бошқармасининг 1994 йил октябридан 1996 йилгача бўлган фаолияти яна тафтиш қилинади.

Текширув якунлари бўйича тузилган далолатномаларда прорабларнинг моддий ҳисоботларни ўз вақтида топширмасликлари, ҳисоботлар сифатсизлиги, уларда тузатишлар кўплиги қайд этилган.

Далолатномада таъкидланишича, 1995 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтказилган мулкни хатлаш натижасига кўра, прораб Х.Ашуровда 2670822 сўмлик моддий бойликлар камомади аниқланган. Бу ғишт қолипдан кўчиб, жиноятнинг учи кўриниб қолганлигини англатарди.

Мазкур тафтиш якунлари 4-қурилиш бошқармаси меҳнат жамоаси кенгаши ва касаба уюшма қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинади. Аммо, унда йирик камомад қандай келиб чиққанлиги сабаблари таҳлил этилмаган. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан ҳеч қандай чора-тадбирлар белгиланмаган. Энг ажабланарли жойи шундаки, прораб Ашуровга лойиҳасмета ҳужжатларида кўзда тутилмаган ғовакли плиталар ва пойдевор блоклари нега жўнатилаяпти, деган саволни ўртага ташлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Ахир, коса тагида ним коса бор эди-да.

Тўғри, 2-уйсозлик комбинатида ҳужжатли тафтиш якунлари кўриб чиқилиб, 4-қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Левинга, бош муҳандиси О.Ким ва бош бухгалтери Г. Рашидовага ҳайфсан берилади.

Бу йиғилишда ҳам Ашуровда камомад қандай қилиб келиб чиқди, деган масала негадир четлаб ўтилади. Вазиятга реал баҳо берилмайди, қонунбузилишларини бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар белгилаб олинмайди.

Текширувлардан сўнг ишнинг пачаваси чиқаётганини сезган Александр Соломонович ўзи пиширган ошни ўзи ичишни асло истамасди. У аввалдан эҳтиёт чорасини қўллаб, 1995 йил 3 июлдаги буйруғи билан прораб Х. Ашуровни уч ойлик муддатга ўз вазифасидан озод қилган эди. Аммо, бошлиқнинг буйруғи қоғозда қолиб кетади. Ашуров ўз фаолиятини давом эттираверади.

ЖИНОЯТГА ҚАРШИ ЖАВОБ ЮРИШИ

Ёпиқлик қозоннинг ёпиқлигича қолиши мумкин эмасди. Қурилиш бошқармасида хуфёна давом этаётган найрангбозликлар, ўғрилик ва камомадларни фош этиш учун прокуратура ва тергов органларининг аралашуви талаб этилар эди. Шоҳар прокуратурасининг топшириғи билан текширув ишларига малакали мутахассислар жалб этилди. Кўп меҳнат, вақт, малака талаб этган тергов ишларидан сўнг Левин ва Ашуровнинг кирдикорлари тўла очиб ташланди.

АЙБЛОВ ХУЛОСАСИДАН

«...Левин ва Ашуров 1993-95 йилларда биргаликдаги фаолиятлари давомида ўзгаларнинг мулкини ўғирлаш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб, 1-темир-бетон маҳсулотлари заводи ва йирик панелли уйсозлик заводидан Ашуровга бириктирилган қурилиш объектларида ишлатилмайдиган 7миллион 762 минг 160 сўмлик турли андозадаги панеллар, 392 минг 47 сўмлик пойдевор блоклари ва 423 минг 418 сўмлик бошқа қурилиш материаллари олганлар.

Левин ва Ашуров бу моддий бойликларни 4-қурилиш бошқармаси қурилиш объектларига топшириш ва ишлатиш ўрнига ғаразли мақсадларда уларни ўғирлаш йўли билан ўзлаштириб юборганлар ва шу тариқа 4-қурилиш бошқармасига жуда кўп - 8 миллион 577 минг 35 сўм миқдорда зарар етказганлар...»

Хўш, улар ўз кирдикорларини қандай қилиб ниқоблаб келдилар? Икки йил давом этган ўғирликларни Левиннинг қўл остида ишловчи бошқа масъул шахслар наҳотки билмаган бўлсалар?

Тергов жараёнида бу саволларга тўла жавоблар топилди, албатта. Левин ва Ашуровнинг айбдорлиги уларнинг ўз кўргазмаларидан ташқари, бош бухгалтер ўринбосари Альбина Семенова, моддий бўлим бухгальтери Лидя Свириденко, шунингдек, Валентина Офицерова, ҳайдовчилар Шамил Шамгунов, Абдулмутал Эшонтоев ва бошқаларнинг кўргазмалари, жиноий ишга тикилган кўплаб материаллар билан исботланди.

Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Лидя Свириденконинг кўргазмасига кўра, прораб ўз ойлик ҳисоботини тайёрлагач, бошқарма бошлиғи, бош муҳандиси ва бош бухгалтерининг имзоси билан тасдиқлатиб, моддий бухгалтерга топшириб турган. Ашуровнинг раҳбарлар тасдиқлаган ойлик ҳисоботларини унга илова қилинган юк-транспорт варақалари ҳамда таъминотчи заводлар тақдим этган счёт варақалари билан таққослаш унинг вазифасига кирарди. Аммо, Свириденко жиноят очилгунга қадар Ашуровнинг ҳисоботларидаги рақамлар ўчирилиб, сохталаштирилганлигини пайқамаган эмиш. Бунга ишониб бўладими?!

Юқорида айтганимиздек, Ашуровнинг аризалари, ҳафталик-кунлик жадваллар ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи Дина Голубнинг ҳам қўлидан ўтган. Чунки М-29 шаклли техник ҳисобот асосида қурилиш материалларининг олиниши ва сарфланишини назорат қилиб бориш айнан унинг зиммасидаги вазифа эди. Бунинг устига заводларга юборилиадиган ҳафталик- кунлик жадваллар ҳам Голуб томонидан тайёрланар ва тасдиқланарди.

Бошқарма бош муҳандиси Олег Ким кўпни кўрган тажрибали мутахассис эди. Бироқ у қурилиш материалларидан оқилона фойдаланишни мунтазам назорат қилиш ўрнига ўз вазифасига бепарволик билан караб, Ашуровнинг қалбаки ҳисоботларини кўзни чирт юмган ҳолда имзолаб беверган. Бу масъул шахсларнинг Х.Ашуров объектларига мўлжалланмаган панел ва блокларнинг талон-тарож қилинаётганлигини пайқамаганликлари тўғрисидаги гаплари сира ақлга тўғри келмасди.

Совуққонлик ҳам кўпинча жиноятларга қулай шароит яратиб беради. Улар ўз вазифаларига бу даражада совуққонлик билан қарамаганларида, муросасизлик муҳитини яратганларида эҳтимол, бу жиноятнинг олди олинган бўлармиди. Ёки бошлиқнинг иродасига қарши бориш учун ўзларида куч топа олмадилармикин?! О. Ким Д. Голуб ва Л. Свириденконинг хатти-ҳаракатларида ЖКнинг 207-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд эди. Лекин, Республика Президентининг 1996 йил 7 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ О. Ким, Д. Голуб ва Л. Свириденко жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят ишинг уларга тегишли қисми ҳаракатдан тўхтатилди.

ТЕРГОВ

Энди яна икки «қаҳрамонимиз»нинг қилмишларига қайтайлик. Дастлабки терговда юзлаштиришлар чоғида Ашуров ўз айбларига иқрор бўлди. Аммо, Левин ўзига қўйилган айбни тан олгиси келмади, ўзини фариштадай оппоқ қилиб кўрсатишга уринди.

Левиннинг ўжарлигидан ҳам ўжарроқ ҳаққоний далиллар жиноий иши жилдига етарлича тикиб қўйилган. Бу далилларнинг фош қилувчи кучини ҳеч нарса билан енгиб бўлмайди. Мана, улардан айримлари:

Айбланувчини сўроқ қилиш баённомасидан:

Жавоб (Ашуров): *Мен қурилишда ишлатилмайдиган материалларни қабул қилганлигим учун Левин менга 500, 1000 сўм бериб турар эди. Мен уларни ўз эҳтиёжимга ишлатиб юборганман. Қилмишларимнинг жиноят эканлигини билар эдим. Левин ҳамиша менга «ҳеч нарса бўлмайди», деб турар эди. Ҳисоботимга плита ва панелларни қўшиб ёзиб қалбакилаштирардим, сўнг менга шу йўлни ўргатган Левиннинг ўзи ҳисоботимни тасдиқлаб берар эди.*

Савол: *Ашуров айтинг-чи, олдинги кўргазмангизда 10-15 та товар-транспорт накладнойини қабул қилиб олганингиздан сўнг Левин сизга битта накладнойни ўз манфаатингиз учун ишлатишга берарди дегансиз. Шу ҳақиқатми?*

Жавоб: *Ҳа, ҳақиқатдан Левин 10-15 та ТТНни қабул қилиб олганимдан кейин менга битта накладнойни ўзим учун ишлатишга рози бўлар эди. Сўнг биз ҳайдовчи билан келишар эдик, яъни мен ҳайдовчилардан 5-6 минг сўм олиб турар эдим...»*

«Савол (Левинга): - *Айтинг-чи, Ашуров бошқармани четлаб ўтган ҳолда 1-темир-бетон буюмлари заводидан темир-бетон маҳсулотлари олишга ариза бериши мумкинми?*

Жавоб: - *У қурилиш бошқармасини четлаб ариза бериши мумкин эмас.*

Савол (Левинга): - *Айтинг-чи, уч йил мобайнида нима учун камомадни аниқламадингиз, назоратни ким олиб бориши керак эди?*

Жавоб: - *Характерим шунақа, ишонувчанман. Шу сабабли Ашуровни текширмасдим.*

Савол: - Нима учун бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш пайтида булар аниқланмади?

Жавоб: - *Чунки, пулларнинг рақамлардаги ифодаси ўзгармас эди. Буни на мен на бухгалтер пайқамаганмиз, ҳисоботларни эса текшириб ўтирмасдим.*

Савол (Ашуровга): - *Айтинг-чи, баъзи бир юк-транспорт варақаларида сизнинг муҳрингиз бор-у, лекин имзо сизники эмас. Сизнинг ўрнингизга материалларни бошқа одам, масалан, бригада бошлиғи ёки участка бошлиғи қабул қилиб олган ҳоллар бўлганми?*

Жавоб: - *Ҳа, бўлган. Баъзан муҳримни бригада бошлиғи ёки участка бошлиғига қолдириб кетардим. У мен йўқлигимда материалларни қабул қилиб олиб, ўз имзосини қўярди. Лекин ғовакли пли-*

(Давоми 7-бетда).

Қилмиш-қидирмиш

ПОЧЧА КЕЛТИРГАН «СОВҒА»

Аёл гўзаллик ва нафосат маликаси, дея алқаймиз. Таърифларимиз ҳар қанча бетакрор бўлмасин, ҳар қандай мақтов камдек туюлаверади.

Шунинг баробарида аёллар шаънига ёмон сўз айтмоқдан қийини йўқ экан. Айниқса, жиноятчи аёл ибораси ишлатиш нақадар машаққат. Ахир, аёл зурриётларимизни дунёга келтирувчи, авлодлар занжирини бир-бирига улаб турувчи катта бир халқа. Худди мана шу аёл бизни тирикликка, гўзал ҳаётга бошлаш ўрнига, порокдаликка етакласа, унда нима қилмоқ керак?

Ҳаёт синовларга бой. Унда биз тушунмаган, англаб етолмайдиган сирлар тўлиб ётибди. Бу фикрни жиноятчи аёллар хусусида ҳам айтиш мумкин. Ахир, инсон, айниқса, аёл жиноят қилиш учун яратилмаган-ку. Бироқ, аёллар жиноят содир қилишди. Нафс ботқоқларига ботиб қолган бу аёллар жазога ҳам тортилдилар. Булар Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Дилбар Абдуллаева, она-бола Холниса, Санобар, Гулчехра, Гулнора Юнусовалар ва Ўринжон Ражабовалардир.

Агар Дилбарникига Ўратепа шаҳрида истиқомат қилувчи поччаси Бахром Исломов меҳмонга келмаганида ҳаёти тинчгина кечаётувди. Почча қуруқ келмаган экан-да. Ҳада, меҳмонга келади-ю, қуруқ келиб бўладими? Бироқ, унинг совғаси ғайриоддий эди. Яъни, зиҳриқотил -80,65 грамм опий гиёвандлик воситасини қайинсинглисига «совға» қилиб олиб келганди. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деб бежизга айтишмаган, ахир.

- Сингил, энди буни сотишга ўзингиз ёрдамлашасиз, - деди Бахром «мулк»ини ўртага ташларкан. - Ҳам сизга фойда, ҳам бизга. Пулни, сотиб бўлганингиздан кейин уйга обориб берарсиз. Фақат ҳеч ким билмасин-а.

Опийни кўриб, Дилбарнинг кўзлари ўйнаб кетди. Шу арзимаган нарса 12 минг сўм турса-я. Агар поччасининг ишончини қозониб, тез орада сотиб берса, яна топиб бериши тайин. Қарабсизки, бир куни келиб ундан бадавлат одам бўлмайди. Фақат милиция ходимларига чап берса бас. Чап беришига шубҳа йўқ. Ўзи оддийгина аёл бўлса, ундан ким ҳам шубҳаланади. Қолаверса, ишончли клиентлар топилса...

Ташқарида қадам товушлари эшитилди. Дилбар ҳаёлларига вақтинча нуқта қўйиб, апил-тапил опийни шкафга яширди. Буни оила аъзолари ҳам билмагани маъқул. Йўқса улар, ақлли насиҳатлар бериб, ҳаромдан ҳазар қил, деб бошини оғритишлари аниқ.

Ахир, поччаси олдинги гал келганида спирт олиб келган эди-да. Бундан хабар топган отаси чунон жанжал қилдики, ўйимга ҳаром, нарса олиб келдинг, деб поччасини ҳайдаб юборди. Бахром бечора, ноқулай аҳволга тушиб, тўрвасини кўтариб қайтиб кетди. Яхшиям поччасининг кўнгли кенг экан. Бошқа биров бўлганида қайтиб қадам босмасди. У бўлса, яна ҳол-аҳвол сўраб келиб ўтирибди. Анқоврок одам бўлганида сўппайиб келган бўларди. У бўлса, шунча пуллик нарса олиб келди.

Дилбар «опий»ни ишончли жойга яширганига шубҳа қилмагач, ташқарига чиқди. Ўзини хотиржам тутишга уриниб, ҳаётга ўралашиб юраверди. Аммо, калласида фақат «опий». Уни қандай сотиш, қандай қилиб пулга пул қўшиш хусусида бош қотирарди. Ахир, отасига ўхшаб, бу ҳалол, бу ҳаром, деб ўтираверса, ким унга бир сўм пул беради. Унга ҳалол, ҳаромнинг фарқи йўқ, муҳими яхшигина даромад қилиб, атрофидаги аёллардан яхши кийниб юриш. Қолгани бир гап бўлар.

Дилбар икки кун ҳар хил ўйлар, режалар, орзулар «оғушида» яшади. Кейин тавакқал қилиб, қўшниси бўлмиш Ойбек кўчаси 9-уйда истиқомат қилувчи Юнусовалар хонадонига йўл олди. Уйда Санобар, Гулчехра ва Гулноралар бор экан. «Опий» хабарини эшитиб, қизларнинг боши осмонга етди.

- Олдин буни ўлчаб кўришимиз керак, - деди Гулчехра.

- Тарозини қаердан топамиз? - лабини бурди Санобар.

- Бу осон, - қўл силтади Гулчехра. - Истаган магазинга кирамиз-да, тортиб кўраверамиз. Пакетни магазинчилар очиб кўрармиди?

Гулчехранинг гапи тўғри чиқди. Дилбар иккаласи «Тысячи мелочей» магазинига бориб, дўкончилардан «Озгина серебромиз бор эди, шуни ўлчаб кўрсак бўладими?» деб сўрашган эди, улар ҳеч иккиланмай рухсат беришди. 4 бўлакка бўлиб қадоқланган опий бир қадоқда 41, биттасида 10, биттасида 20 ва яна биттасида 9, 65 грамм эди. Ўша куни Дилбар опийнинг 10 граммини Гулчехрага 1500 сўмга, 20 граммини Гулнорага 3 минг сўмга сотди.

Орадан икки кун ўтиб, 1997 йилнинг 18 сентябрида Дилбар Юнусовалар хонадонига яна келди. Уни Санобар қаршилади. Ўзаро шивиршивирдан кейин Санобар Гулнорани 41 грамм опийни 5450 сўмга сотиб олишга кўндирди.

- Бир-икки кундан кейин келсангиз қолган опийга ҳам харидор топиб қўяман, - деди Санобар Дилбарни кузатиб қўяр экан.

Келишувга мувофиқ Дилбар 21 сентябр куни яна Юнусовалар эшиги олдида пайдо бўлди. Уни бу ерда Санобар билан яна бир аёл кутиб олди. Ўзини Ўринжон, деб таништирган аёл 9,65 грамм опийни 1500 сўмга сотиб олди.

Шу тариқа Дилбар бир ҳафта ичида қўлидаги опийни 11450 сўмга пуллади.

Тинчгина пул топиш иштиёқидаги Ўринжон Ражапова опийни уйига олиб келгач, эринмасдан 55 та ўрам қилиб, полиэтелен қоғозига қадоқлади. Эртасига Бекобод шаҳрининг 12 даҳасида жойлашган 7-сонли мактаб олдига опийни сотиш учун йўл олди.

Аёлнинг ўтириши, бежо ҳаракатлари атроф тинчлигини назорат қилиб юрган ички ишлар бўлими ходимларининг диққатини тортди. Қонун посбонлари бу шубҳали аёлни тинтув қилишганда, ҳамёнидан 55 ўрамдаги гиёвандлик воситаси топилди. Холислар иштирокида ҳужжатлаштирилди ва Ўринжон Ражапова ИИБга олиб келинди.

Суриштирув жараёнида Ўринжон бу опийни Холниса исимли лўли аёлникидан олганлигини, уларда опий гиёвандлик воситасидан яна борлигини айтади.

Шундан сўнг Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир орқали Ўринжон Ражапова Юнусовалар хонадонига гиёвандлик воситасини сотиб олиш учун қайта киритилади. Уйда Холниса Юнусова билан қизи Гулчехра бор эди. Ўринжон Холнисага опийдан яна озроқ керак бўлиб қолганини айтади. Она қизига ишора қилиб, ҳалигидан озроқ бериб юборишни айтади. Ўринжон беш юз сўмга ўн дона қадоқланган гиёвандлик воситасини сотиб олади. Ўша заҳоти жиноят фош этилиб, Холниса ва Гулчехра Юнусовалар қўлга олинади.

Бирин-кетин бошқа жиноятчилар ҳам қўлга тушди. Жиноятчи аёллар ўз қилмишларига иқрор бўлдилар. Одил суд уларни одил жазога ҳукм қилди.

Тергов жараёнида Дилбар учта боласи ҳақи, Санобар тўрт боласи ҳақи, Гулчехра беш фарзанди ҳақи, Ўринжон тўрт фарзанди борлиги, биттаси касал эканлигини инобатга олиб, ўзларини кечиришларини сўрадилар. Холниса билан Гулнора гунаҳларини бўйнига олмаслик учун ҳар хил усуллардан фойдаландилар. Демак, жиноятчиларнинг ҳаммаси оқ-қорани аҳрата билишади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Бу ўзлари тарбияга мухтож оналар қўлида тарбияланган фарзандлар келажаги учун ким жавоб беради. Уларнинг келажакда яхши инсонлар бўлиб етишишларига кафолат борми?

Яна шуни қайд қилиш керакки, Санобарнинг эри аҳлоқ тузатиш колониясида, Гулчехранинг эри қамоқда, Ўринжоннинг эри қамоқда касалга чалиниб қайтиб келган. Улар учун эрларининг қисмати сабоқ бўлмаган.

Ҳар ким қилса ўзига, дейди халқимиз. Қанчалаб ёшларимизни йўлдан урмоқчи, меҳнат қобиляитларини сусайтирмоқчи, инсонийликдан чиқармоқчи бўлган бу аёллар ўз қўллари билан ўзларини, авлодларини порокдаликка гирдобига ғарқ қилдилар.

Равшан БЕКБОЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи.

КИМ ЭДИНГИЗ-У, КИМ БЎЛДИНГИЗ...

(Бошланиши 6-бетда).

таларга фақат ўзим имзо чекиб, муҳримни босардим».

Дарҳақиқат, Ашуров бошқарма маъмуриятини четлаб ўтиб, заводлардан қурилиш материалларини олиши умуман мумкин эмасди.

Бошлиқ ва прораб ўғирликни жиноий шерикликда амалга оширганликларини исботловчи далиллар 1997 йилнинг февралига қадар 1-темир-бетон маҳсулотлари заводида цех бошлиғи бўлиб ишлаган Валентина Офицеровнинг гувоҳ сифатида берган кўргазмасида ҳам мавжуд.

Унинг кўргазмасига кўра, «қурилиш бошқармаларига темир-бетон маҳсулотлари уларга «Главташкентстрой»нинг саноат-қурилиш бўлими томонидан бериладиган ҳафталик-кунлик графикларга асосан жўнатиб турилади. Бунинг учун ГТСнинг барча бўлимлари вакиллари мазкур бўлимга келиб, қурилишнинг боришига қадар ҳар бир конкрет объект бўйича қурилиш ишлари ва материаллари ҳажмларини кун ва ҳафталарга тақсимлаб, мувофиқлаштириб оладилар. Бундан ташқари, буюртма маҳсулотларни жўнатиш ҳақ тўланганига қараб амалга оширилади. 2-уйсозлик комбинати вакиллари ҳам «Промстройкомплект» бирлашмасига ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи имзоларан объектлар жадвали, ҳафталик-кунлик графикларни олиб келганлар. Бу графикларнинг бир нусхаси маҳсулотларни бериш учун асосий ҳужжат сифатида таъминот бўлимига топширилади... 1-темир-бетон маҳсулотлари заводи буюртма маҳсулотлар жўнатилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар куни «Промстройкомплект» бирлашмасига йўллаб турган. Бу ерда эса маълумотлар «Главташкентстрой»бош диспетчерига узатилган. Хуллас, 4-қурилиш бошқармасига маҳсулотлар жўнатиб турилганлигини кўрмаслик мумкин эмасди...»

Ашуровнинг кўргазмасига кўра, у ойлик ҳисоботларига ўғирланган маҳсулотлар миқдорини киритиб борган. Левин буни кўрмаслиги мумкин эмасди. Чунки, ҳисоботларни раҳбар сифатида у тасдиқлаб берарди. Энди айбланувчини сўроқ қилиш баённомасидан қуйидаги кўчирмага эътибор беринг:

«Савол: - *Левин, прораблар-нинг ўз ҳисоботларини топшириш тартибини тушунтириб бersангиз.*

Жавоб: - *Ҳар ойнинг охирида прораблар барча юк-транспорт варақаларини жамлаб, моддий ва техник ҳисоботлар тайёрлашади. Сўнгра прораб ҳисоботни менга тақдим этади ва мен уни имзо чекиб, тасдиқлайман. Чунки, менинг имзоимсиз бухгалтерия моддий ҳисоботни қабул қилмайди.*

Савол: - *Левин, ҳисоботларнинг ҳаққоний топширилиши учун ким жавобгарлигини тушунтириб бersангиз.*

Жавоб: - *Ҳисоботларнинг ҳаққоний топширилишини мен текширишим керак эди».*

Юқорида Александр Левиннинг айбдорлигини тасдиқловчи далилларнинг айримларини келтирдик, холос. Унга ЖКнинг 167 - моддаси 4-қисми «а» бандидан ташқари, 209-модданинг 1-қисми билан айб эълон қилинди. Чунки, Левин шу моддада кўрсатилган мансаб сохтакорлиги жиноятини ҳам содир этган эди.

А.Левин ва Х. Ашуров ЖКнинг 167-моддаси 4 қисми «а» банди ва 209-моддаси 1 қисми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

ХУЛОСА

Бу жиноят тафсилоти билан танишиб чиққан ҳар бир газетхон ўзича шундай хулоса чиқариши тайин: жиноятга жазо муқаррар. Ўғирлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган.

Буларнинг барчаси ҳақ гап. Лекин, келинг, яна бир хулоса ҳақида ўйлаб кўрайлик. Левин ва Ашурова ўхшаган дили нопок кимсалар ягонами? Йўқ, ягона эмас. Буларга ўхшаган шахслар яна қаердадир давлат ва халқ мулкини хуфёна ўмараётгандир... Сизу биз қонунни менсимайдиган, виждонини пулга сотадиган бунака нусхаларга нисбатан муросасиз кураша оламизми? Албатта, кураша оламиз. Бунинг учун ҳар биримиз ўзимиздаги курашчанлик фазилатимизни тарбиялаб боришимиз кераклиги бугун барчага аён ҳақиқат бўлиб қолди. Ахир, шундай муҳит устивор бўлса, Левин ва Ашуров ҳам хушёр тортиши мумкин эди. Курашчанлик қонунбузарликларга қарши муросасизлик муҳитини вужудга келтиради. Ҳуқуқий давлат қураётган эканмиз, бу биз учун жуда керак фазилатдир.

М.ИРМАТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлимининг бошлиғи.
Б. НАЗАРОВ.

ЮРИДИК МАСЛАҲАТХОНА

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши, деганда нима тушунилади?

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилишга йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 13-моддаси).

Бундай усул мурожаат қилмасдан, ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши мумкинлигидан иборат. Ушбу усулдан ҳуқуқ бузилганлиги, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш зарурлиги, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун қўлланадиган чоранинг бузилган ҳуқуқнинг характерига ва мазмунига мос бўлиши, унинг доирасидан чиқиб кетмаслигини талаб қилиш каби ҳолатларда фойдаланиш мумкин. Ўзини ўзи ҳимоя қилиш тегишли доира чегарасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Эмансипация нима?

З. Комилов
Наманган шаҳри.

Ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари, ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахси тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиш эмансипация деб аталади. Эмансипация ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Қамоқда бўлган давр учун пенсия олиш мумкинми?

П.Ризаев
Чирчиқ шаҳри.

Пенсионер озодликдан маҳрум қилинган бўлса, тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади.

Мен бувимнинг васиятномаси бўйича меросга эга бўлдим, васиятноманинг ўзи етарли бўладими?

Т.Ҳусанов,
Янгийўл шаҳри.

Агар сиз хоҳласангиз, мерос очилган жойдаги нотариал идорага меросга бўлган эгалик ҳуқуқингиз тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида мурожаат этишингиз мумкин.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос очилганда ҳам, васиятнома бўйича мерос очилганда ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Жавобларни Д.ХАЛИЛОВ тайёрлади.

France - 98

МЎЪЖИЗАГА КИМ ҚОДИР?

Бугун бутун жаҳон футбол мухлисларининг нигоҳи Францияга қаратилган. XVI жаҳон чемпионати финал босқичининг иштирокчилари дастлабки ўйинларини ўтказишди.

«А» гуруҳида Шотландия терма жамоаси бразилияликлар учун «қаттиқ ёнғоқ» бўлди. Супер жамоа ҳисобланувчи Бразилия командаси ўйинда аранг ғалаба қозонди. Ҳисоб - 2:1.

Шу гуруҳда яна бир ўйин бўлиб ўтди. Марокаш терма жамоаси норвегияликлар билан дуранг (2:2) натижага эришди.

«В» гуруҳида Италия - Чили учрашувида дастлабки шов-шув рўй бериши мумкин эди. Ўйин ниҳоясида тўп Чили ҳимоячиси қўлига тегиши натижасида улар дарвозасига 11 метрлик жарима тўпи белгиланганлиги туфайлигина кутилаётган мўъжиза содир бўлмади. Бу учрашувда ҳам 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди:

Камерун - Австрия- 1:1, Саудия Арабистони - Дания - 0:1, Франция - ЖАР - 3:0, Парагвай - Болгария - 0:0, Испания - Нигерия - 2:3, Жанубий Корея - Мексика - 1:3, Голландия - Белгия - 0:0, Югославия - Эрон - 1:0, Германия - АҚШ - 2:0, Аргентина - Япония -1:0, Ямайка - Хорватия - 1:3, Англия - Тунис - 2:0, Руминия - Колумбия - 1:0. Чемпионатда баъзи янгиликлар ҳам кўзга ташланди. Чунончи, илк марта қўшимча вақтни томошабинларга эълон қилиб бориш тажрибаси қўлланилаяпти. Дастлабки тур ўйинларида тасодифий натижалар қайд этилмаган бўлсада, кутилмаган ҳолатлар содир бўлди. Жумладан, ўз дарвозасига тўп киритиб юбориш 5 марта қайд этилди. Голландия - Белгия учрашувида голландияликларнинг ёш, истеъдодли ўйинчиси Клювертнинг қўполлиги учун майдондан чиқариб юборилишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз.

Осиё қитъасидан қатнашаётган 4 та миллий терма жамоа учун дастлабки ўйинлар омадсиз бўлди. Аммо, бу уларнинг имкониятлари йўққа чиқди, дегани эмас. Ҳал қилувчи ўйинлар ҳали олдинда. Эҳтимол, навбатдаги турда айнан шу командалардан бирортаси мўъжизавий ўйин кўрсатар?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонмаанг

Наср

Иҳлом ЗОЙИР

ЧАҚИЛМАГАН ЁНҒОҚ

Ҳажвий ҳикоя

Тўғрисини айтсам, сиздан яшираман, ҳеч ким ҳеч нима демайди. Бу ҳам унинг ҳоҳиши, ғапирги келса ғапиради-да, бўлмаса бировни зўрлаб бўладими?

Асрор ака, жўжабирдай жон. 9 та боласи бор: хотини билан ўнта. Каттаси ўтган йили мактабни битириб, институтга кирди. Истепендияси ўзидан ортмайди. Хотинлари - Ойниса опа хонанишин аёл. Эри топиб келса еб, бўлмаса кўзини эшикка тикиб ўтирса керак-да! «Ўтирса керак-да», - деган мужмал гапимиз сизга ғалати туюлмаслиги учун шу нарсани айтиб қўймоқчиманки, биз бирор марта ҳам Асрор аканикига бормаганмиз, шунинг учун тахминий ғапираяпмиз. Эҳтимол, егани олдида, емагани кетидадир. Яна ким билади, дейсиз. Бир-икки марта Асрор аканинг: «Ўғизни берган, насибасини ҳам беради-да», деганларини эшитганман.Энди ўша «насиба» деганларини ҳам қўшқўллаб бермаса керак. Яратган ҳам «сендан ҳаракат, мендан баракат» деб қўйган. Асрор аканинг ҳам бирор «ҳаракати» бор чиқар-да...

У кишининг «фазилат»ларидан бири: ҳар куни ичиб юрадилар. Ичсалар ҳам баъзилардай худди бехудага лақилламай, трамвайдай - битта йўлда адашмай юрадилар. Бурунларининг қизарганини демаса, бошқа томондан ҳеч нарсани сездирмайдилар. Атир сепиб олиб, арақнинг ҳидига омухта қилиб юборадилар. Бировга озор берганларини, ёки ёмон гап айтиб, бировнинг кайфиятини бузганларини ҳеч кўрмаганмиз, эшитмаганмиз ҳам. Энди сиз ҳам бир ўйлаб кўринг! Битта ойликка тўққизта боланинг қорнини алдаб, яна худонинг берган куни ҳидини чиқармай» юриш мумкинми? Кошки ўша зорманданинг бир шишаси чўнтакни касал қилмаса.

Баъзида одам ўйланиб қоладида, ичадиган одам бунақа нарсаларни кўрса, қорни билан ташлайди, лекин Асрор ака мутлақо тескариси. Баъзида мукофот-пукофот олиб, «ювди-ювди» учун биттааримтани майдаламоқчи бўлсак, Асрор ака «олмайдилар». Сабабини сўрасак: «Ўйга борганимда ичолмай қоламан», -дейдилар.

Ўйда ичган яхши-ю, лекин хотинлари - Ойниса опанинг бу ҳолга муносабати қандай? Ўлипти энди! Агар, хотинлар эрига қўйиб берса, дунёи гардуннинг чарҳпалаги тескари айланса керак! Ўзимиздан қиёсда: ҳиди келса, эрталабгача жанжал.

Асрор акадан: «ўйда ичганингизда Ойниса опа индамайдими?» деб сўраганимизда, ғапириш ёки ғапирмасликларини билмай: «Хотинми?» деганлар жилмайиб. Саволимиз ҳам шу жилмайишга қоришиб кетган. Биз ҳам қистовга олмаганмиз. Ундан кейин уйдаги ғап тощқарига тўғри келмайди...

Бир куни завхозимиз Рамазон ака нолиб қолдилар.

- Бозорга чиқсанг, бир қоп пул олиб чиқсанг! Бўлмаса, чиқмай қўя қол!

- Тўғри айтасан, Рамазон, - деганлар ўшанда Асрор ака қалампирнусха бурунларини жийриб. - Қўшима бир ҳунар қилмассанг, чўнтагингда шамол ўйнайди.

Бошқалар қандай фикрда-ю, мен ўшанда «Асрор ака бирор қўшимча ҳунарнинг бошини ушлаган чиқарлар», деб ўйлаганман. Ғал келганда кўнгилларига қўл солиб кўрсам, «Бизда унақа ишга вақт қаёқда» - деганлар.

«Унақа ишга вақти йўқ» Асрор ака 9ни битирган қизини турмушга чиқарди. Тўй ресторанда бўлди. Тўйга бордиг-у, дабдабадан ҳангуманг бўлиб қолдик. Ман-ман деган бойваччалар ҳам бунақа тўй бермаган. Ўзимизча: «Биринчи орзу - ҳавас, анчадан йиғиб юрганларда», деб юрсак, орадан бир ой ўтар-ўтмас катта ўғилларининг ҳам бошини иккита қилдилар. Энди буниси унисидан ўтиб тушди. «Бировдан қарз кўтарган бўлсалар керак», десак, ҳовучлаб сочишларидан қарз олган одамга ўхшамайдилар...

Тўйлар ўтиб, ишга чиққанларидан кейин у кишига «ҳорма-бор бўл» қилсак:

- Ҳаммаси ичкиликнинг орқасидан! - дейдилар беғарволик билан.

Бу ғап ҳаммамизни лол қолдирди. Бир-биримизга елка қоқиб қараймиз. Қайта сўрашга эса истиҳола қиламиз. Ишлаб чиқариш бўйича муҳандисимиз Тўхташ аканинг сабри чидамай:

- Асрор ака, бу нима деганингиз? - деди.

- Нима, нима деганим?

- Сурункасига ичиб юрадиган одам ҳам шунақа дабдабали тўй қила оларканми?

- Қаловини топсанг, қор ёнади, ука, - дедилар ғапни мухтасар қилиб Асрор ака.

Бировнинг чўнтагидаги пулни санаш одобдан эмаслигини билган Тўхташ ака бошқа оғиз очмади.

Тўйдан кейин ҳам Асрор ака ичишни канда қилмади. «Яна еттита тўйнинг ташвишини қилиб, юраги сиқилади, шунинг учун оз-оздан отиб турса керак-да». Лекин Асрор ака «юраги сиқиладиган» одамга ўхшамайди: доим хушчақчақ.

Бир куни технологимиз Самад ака дабдурустдан ҳеч биримизнинг хаёлимизга келмаган саволларни ўртага ташлади.

- Асрор ака, лотереядан ютдингизми, а?

Асрор ака пинагини бузмади.

-Е, каттароқ пул топиб олгансиз-да, а?

- Биласан-ку, оёғимнинг остига қараб юрмайман...

- Ҳа, билдим, ота-бобонгиздан каттароқ мерос қолган, а?

Маишатингиз зўр!

Асрор ака деразадан тушиб турган офтоб нуридан йилтиллаб турган қалампирнусха бурнининг учини қашиб, жилмайди.

- Отамиздан битта нина қолганида борми, дўппимизни осмонга отган бўлардик. Нимага деганда, отамиздан табаррук бирор нарса қолмаган. Отамиз ҳам маишатчи бўлиб, топганини кўчага совуриб келаверган.

- Ҳа, энди бизни ақлимиз ноқислик қилди. Бундоқ ўзингиз ёрилинг! Биз ҳам сиздан ўрнак олиб, зора ёқамиз оқариб, биримиз икки бўлса, - деди Самад ака Асрор акага эмас, бизларга қараб маъноли кўз қисиб кўяркан.

Асрор ака шундан кейин ёрилгандай бўлди-ку:

- Оз-моз даромадим бор, - деди бошини сарак-сарак қилиб.

Шу орада бошлиғимиз Зариф Мардоновичнинг хонага бемавруд кириб қолиши ғапни бўлиб қўйди. Бошлиқ узундан-узоқ мижғовланиб мамлакатимизда «ёнғинга қарши кураш ҳафталиги» ўтказилаётгани, бу ҳафталикда бизнинг корхонамиз ҳам фаоллик кўрсатиши, бунинг учун ҳаммамиз электр асбобларига эҳтиёт бўлишимиз, ишдан сўнг хона чироқларини ўчиришимиз, тез ўт чиқадиган нарсаларни хонага олиб келмаслигимиз кераклиги ҳақида ғапирди. Биз шу билан ғапдан чалиғган эдик. Бошлиқ чиқиб кетгандан кейин ҳам чала қолган суҳбатни ҳеч биримиз қўзғамадик.

Орадан бир ҳафта - ўн кун ўтгач, Асрор ака бизларни уйига таклиф қилди.

Биз Асрор аканикига эмас, гўё кошонага кириб бордик. Ўйни таърифлаш мумкин, лекин кошонага таъриф йўқ. Чунки, сиз кошонани киноларда кўп бор кўргансиз.

Дастурхон ҳам рисоладагидек тузалган. Неъматларнинг жой-жойига қўйилганлиги хонадон соҳибаси Ойниса опанинг дид-фаросатидан далолат бериб турибди. Битта «но»сини демаса, дастурхонга ғап йўқ. «Но»си шуки, дастурхонга арақ қўйилмаган.

Ҳаммамиз жой-жойимизга ўтириб, хонадонга омонлик тиладик. Шундан сўнг Асрор ака хотинини чақириб:

- Менинг ҳисобимдан ҳозирча яримта олиб чиқ, - деди Асрор ака чўнтагидан иккита юзталик чиқариб хотинига бераркан. - Кейин кетишига қараб олиб чиқаверасан...

Ойниса опа пулни оларкан, сотувчиларга ўхшаб:

- Яна ўн сўм, - деди иккита юзталикни бир-бирига ишқалаб.

Асрор ака эътироз билдирмади, ғулдираганича яна ўн сўм берди. Ойниса опа шундан кейингина битта шиша олиб келиб, дастурхонга қўйди...

Меҳмондорчиликнинг эртаси куни ҳамма нарса аён бўлди.

Ҳар томондан чўқиймергандан сўнг Асрор аканинг ўзи сирни фош этди:

- Ҳар куни ишдан сўнг ўзимизнинг «лаҳмоний»га кириб, қиттак-қиттак олардим, - деб ҳикоясини бошлади Асрор ака. - Эшикдан киришим билан хотиним қўлига «эгов»ни оларди. Ғирт-ғирт, ғирт-ғирт... кетди.

- Оладиганингизга мушук офтобга чиқмайди-ю, ўшанинг ҳам ярмини қуритасиз! Бунақада хонавайрон бўламиз-ку!

- Нима қил дейсан?! Ичишдан бошқа ҳунарим бўлмаса! - дедим жаҳл устида. Ўша пайтда «ишбилармон», «тадбиркор» деган ғаплар энди-энди русум бўлаётган эди.

Ғапимга хотиним чапак чалиб юборди. Ҳайрон бўлдим.

- Шунақа бўлса, менга бир яшик арақ келтириб беринг, - деди хурсандчилигини яширмай.

- Нима, бирор қариндошинг тўйпўй бошладими, - дедим ҳеч балога тушунмай. - Тўёна олиб борлик чиқиб кетгандан кейин ҳам чала қолган суҳбатни ҳеч биримиз қўзғамадик.

Орадан бир ҳафта - ўн кун ўтгач, Асрор ака бизларни уйига таклиф қилди.

Биз Асрор аканикига эмас, гўё кошонага кириб бордик. Ўйни таърифлаш мумкин, лекин кошонага таъриф йўқ. Чунки, сиз кошонани киноларда кўп бор кўргансиз.

Дастурхон ҳам рисоладагидек тузалган. Неъматларнинг жой-жойига қўйилганлиги хонадон соҳибаси Ойниса опанинг дид-фаросатидан далолат бериб турибди. Битта «но»сини демаса, дастурхонга ғап йўқ. «Но»си шуки, дастурхонга арақ қўйилмаган.

Ҳаммамиз жой-жойимизга ўтириб, хонадонга омонлик тиладик. Шундан сўнг Асрор ака хотинини чақириб:

- Менинг ҳисобимдан ҳозирча яримта олиб чиқ, - деди Асрор ака чўнтагидан иккита юзталик чиқариб хотинига бераркан. - Кейин кетишига қараб олиб чиқаверасан...

Ойниса опа пулни оларкан, сотувчиларга ўхшаб:

- Яна ўн сўм, - деди иккита юзталикни бир-бирига ишқалаб.

Асрор ака эътироз билдирмади, ғулдираганича яна ўн сўм берди. Ойниса опа шундан кейингина битта шиша олиб келиб, дастурхонга қўйди...

Меҳмондорчиликнинг эртаси куни ҳамма нарса аён бўлди.

Ҳар томондан чўқиймергандан сўнг Асрор аканинг ўзи сирни фош этди:

- Ҳар куни ишдан сўнг ўзимизнинг «лаҳмоний»га кириб, қиттак-қиттак олардим, - деб ҳикоясини бошлади Асрор ака. - Эшикдан киришим билан хотиним қўлига «эгов»ни оларди. Ғирт-ғирт, ғирт-ғирт... кетди.

- Оладиганингизга мушук офтобга чиқмайди-ю, ўшанинг ҳам ярмини қуритасиз! Бунақада хонавайрон бўламиз-ку!

- Нима қил дейсан?! Ичишдан бошқа ҳунарим бўлмаса! - дедим жаҳл устида. Ўша пайтда «ишбилармон», «тадбиркор» деган ғаплар энди-энди русум бўлаётган эди.

Ғапимга хотиним чапак чалиб юборди. Ҳайрон бўлдим.

- Шунақа бўлса, менга бир яшик арақ келтириб беринг, - деди хурсандчилигини яширмай.

- Нима, бирор қариндошинг тўйпўй бошладими, - дедим ҳеч балога тушунмай. - Тўёна олиб бормоқчимисан?

- Йўқ, бизнес-тадбиркорлик қиламан, - деди хотиним қулиб.

-Кўй энди, бир қами арақ сотишинг қолувди - дедим қўл силтаб. - «Фалончининг хотини арақфуруш» деган ном олмоқчимисан?

- Мен бегонага сотмайман! - деди хотиним жиддий тортиб. - Фақат ўзингизга сотаман!

- Менга?! - деди ҳайратланиб. - Сен менга арақ сотасанми? Ўйлаб гапирояпсанми?

- Барибир ҳар куни ичасиз. Кўчада ҳам текинга ичмасангиз керак! Шундай экан, ўзимдан сотиб олиб ичинг! Пулингиз бегона бўлмайди...

Эрталабгача мижжа қоқмадим. Хотинимнинг ғапини хўп ўйладим. Қарасам, ғапида жон бор. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, фойда ҳам қоларкан. Шу-шу хонаки бизнесни бошладик. Қўшнидан қарз кўтариб, арзонроқ арақдан бир яшигини хотиннинг қўлига келтириб топширдим. Хотин дарров қулфга солиб қўйди. Устама нарх қўйиб, ўзимга сота бошлади. Долларнинг курси ошган сари хотин ҳам нархни оширади. Шунга келишиб олганмизда, ғинг дейиш йўқ. Ҳаш-паш дегунча қўшнининг қарзидан қутулиб, фойда йўлига ўтиб олдик. Сармояга арақ оламиз, фойдасини кассага қўямиз. Иштаҳа яхши бўлган куни фойда ҳам шунга яраша бўлади. Мана шунинг орқасидан қиз чиқариб, ўғил уйладик. Орзу ҳавас кўрдик... Лекин кам бўлмадик... Тадбиркорликда ғап кўп экан...

Асрор аканинг ҳикояларига маҳлиё бўлиб, тушлик вақти бўлиб қолганини сезмай қолибмиз, тўғриси Асрор акани тинглаш барабарида ҳаммамизнинг қалламизда битта фикр чарх урарди: тезроқ тушлик бўлсин-да.

- Тушлик вақти бўлиб қолибди-ку, - деди Рамазон ака аввал қўлидаги. - Бугун сизлар билан тушлик қилолмайман, узр, бир зарур ишим бор эди, тушлик вақтидан фойдаланиб қолмасак бўлмас.

Тўхташ ака ҳам «зарур иш бажариш» учун чиқиб кетди. Самад ака ҳам тушликдан «унумли фойдаланмоқчи» бўлди. Ўз навбатида мен ҳам шу мақсадни кўзлаб турган эдим.

Фақат Асрор ака ҳеч қаёққа шошмасди...

...Тўғрисини айтсам, сиздан яшираман, ҳеч ким ҳеч нима демайди. Ҳаммамиз арзон арақ қидириб кетган эдик...

Турфа олам

СУДЬЯ ҲАМ ЖАЗОЛАНАДИ

Африкада истиқомат қилувчи мандинго қабиласида ғаройиб қонун бор. Унга кўра, айбсиз кишини озодликдан маҳрум этган судья жазоланади. Жазоланганда ҳам антиқа усулда - айбсиз айбдор қанча муддат қамоқда ўтирган бўлса, судья шунча кун ўша кишини елкасида кўтариб юриши шарт.

Ўрта асрда Олмонияда худди шунақа, судьялар янада қаттиқ жазоланар эдилар. Нюренбург шаҳар музейида бундан 400 йил муқаддам қалбаки ҳужжатга имзо чеккан нотариус ходимининг мўмиёланган бир қўли ҳануз сақланмоқда. Ўша даврда қалбаки ҳужжатга имзо чеккан юристларнинг қўли кесилар экан.